

54
Sh.

Д.А. ШАЙЗАКОВА

СИЗ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ДАРСЛАРДА ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ ...

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА



ТОШКЕНТ-2018

54
Sh.

Д.А. ШАЙЗАКОВА

**СИЗ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН
ДАРСЛАРДА ФОЙДАЛАНИШНИ
БИЛАСИЗМИ ...**

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА



ТОШКЕНТ-2018

54
Sh

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СИЗ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН
ДАРСЛАРДА ФОЙДАЛАНИШНИ
БИЛАСИЗМИ ...

1960

Услубий тавсиянома

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент - 2018

Д.А. ШАЙЗАКОВА эркин тадқиқотчи.

Сиз шахсни шакллантириш омиллари ва улардан дарсларда фойдаланишни биласизми ... //Услужбий тавсиянома. -Т.: ТошДАУ. 2018, 144 бет.

Ушбу тавсияномадан шахсни шакллантирувчи омиллар - шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологияларнинг мазмун ва моҳияти, умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунини ўрганиш методикасининг ўзига хос жиҳатлари, шахсга йўналтирилган технологияларни амалга ошириш бўйича таълим турлари, замонавий усуллар, шахсга йўналтирилган дарс орқали ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш, кимё фанида фойдаланиш юзасидан намунавий дарс ишланмаси, шахсга йўналтирилган дарснинг педагогик таҳлили, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар, ўз-ўзини текшириш учун саволномалар ўрин олган.

Мазкур тавсиянома умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, ўқувчилари ва қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Такризчилар:

М.Тожиев п.ф.д., проф., ОЎМКХТРМ.
А.Мавлянов ф.м.ф.н., доц., ОЎМКХТРМ
М.И.Ибодуллоева к.ф.н., доц., ТДПУ.

Тавсиянома Тошкент давлат аграр университети илмий Кенгашининг 2018 йил 5 июндаги 10- сонли қарори билан нашр этилди.

КИРИШ

Таълим жараёнига янги ўқитиш технологиялари ва замонавий фаол усулларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, янги билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини ривожлантиришга эришиш мумкин. Чунки, бугунги кунда фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал қила олади ва ҳаётда ўз мавқеига эга бўлади. Бундай қобилият эса таълим муассасаларида шакллантирилади.

Ҳозирги пайтда республикамиз умумтаълим мактабларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида қатор педагогик изланишлар олиб борилмоқда. Буларнинг аксариятида педагог олимлар, амалиётчи ва тадқиқотчиларнинг диққат эътибори ўқитиш мақсади ва унинг натижаларига эришишга, таълимни технологиялаштириш орқали сифатли ўқитишни ташкил этишга, шунингдек, фанларни ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқитиш технологиялари ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этишга қаратилган.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ўз навбатида, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш учун ўқитиш технологиялари ва усулларида фойдаланиб, ўқув-тарбия жараёнини самарадорлиги ва сифатини ошириш талабларини қўймоқда.

Бу талабларга ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-5313 - сонли Фармонида ҳам алоҳида урғу берилган.

Кўпроқ амалиётчи-ўқитувчилар шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологияларга экспериментал-тажриба сифатида ёндашиб, мазкур педагогик тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини чуқур англамаган ҳолда ҳаракат қилишмоқда.

Ўтказилган дастлабки ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳозирда умумтаълим мактабларида кимё фани одатдагидек анъанавий таълим технологиялари асосида ўқитилиб келинмоқда. Бугунги кунда мазкур

мактаблар ўқитувчиларига кимё фанидан таълим беришда илғор, янги технология ва замонавий усулларни излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин уларда кимё фанини ўқитиш, унинг мазмунини такомиллаштиришда қатор камчиликлар, жумладан, ўқитувчиларда замонавий билим, кўникма ва малакаларининг етарли эмаслиги, дарслар илғор таълим технология ва усуллари асосида ташкил этилмаётганлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бугунги кун талаблари асосида тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг билиш фаолияти билим ва кўникмаларни репродуктив даражада ўзлаштиришга қаратилганлиги, мустақил фикрлашга йўналтирилмаётганлиги каби муаммоларни бартараф этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги давр талаби эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот иши олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Кимё фанини ўқитишнинг таҳлили бу жараёнда яна қуйидаги муаммолар борлигини кўрсатди: узлуксиз таълим тизими турлари ўртасида узвийликнинг йўқлиги; кимё ўқитувчисининг фаоллиги дарс жараёни мазмунидан орқада қолаётганлиги; ўқувчиларда мустақил фикрлашнинг етишмаслиги; уларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш даражаси пастлиги; кимё ўқитувчисининг дарс жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига эътиборнинг сустлиги ва бошқалар.

Кимё фанидан дарс жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юқорида қайд этилган камчиликларини бартараф этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;
- дарс жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш ва бошқариш;
- ўқитишда замонавий таълим, жумладан, шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан уйғун равишда фойдаланиш орқали дарс самарадорлигини ошириш;
- мустақил изланиш асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш;

- уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда дарс жараёнига индивидуаллаштирилган ва табақалаштирилган ёндашувнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Таҳлиллар, ҳозирги даврда умумтаълим мактабларида кимё фанидан ўқув машғулотларини давр талаблари асосида ташкил этиш ва ўтказиш асосий вазифалардан эканлигини ҳамда бунда кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш заруриятини кўрсатади.

Умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш билан бир қаторда, ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал этиш кимё фани олдига қўйилаётган муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда, кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш муаммоси қай даражада ечилганлигини таҳлил қилиб, бу соҳада муайян хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Миллий педагогикада шахсий ёндашувни ўрганиш XIX-XX асрларга тўғри келади. Бу йўналишнинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар ичида С.Выготскийнинг психологик тадқиқотлари, Д.А.Белухин, Е.Н.Ильин, Ш.А.Амонашвили ва бошқа олимларнинг педагогик адабиётлари, хориж педагоглари ва ижтимоий йўналишдаги психологлар К.Роджерс, А.Маслоу, С.М.Гульянц кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Д.А.Белухин, Е.В.Бондаревская, М.Боуэн, И.Л.Масандилова каби олимларнинг педагогик адабиётларида кўрсатилишича, таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувнинг белгиланиши - инсоннинг шаклланишига, унинг индивидуал ривожланишига, ижодкорлиги бошланишига ёрдам бериш ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган таълим термини тўлиқ маъноси Е.В.Бондаревский, Н.А.Алексеев, В.В.Сатир, В.В.Сериков кабилар ишларида ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида бу тушунчанинг моҳияти аниқланган, бу таълим типининг ўзига хослиги ажратиб кўрсатилган, унинг асосий принциплари, функциялари асослаб берилган, мактаб амалиётига жорий этиш йўллари кўрсатилган.

Шахсга йўналтирилган таълим, унинг назарияси ва амалиёти, уни ташкил этиш масалалари, таълим олувчи шахсининг функцияларини ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, гуманистик асослари, педагогик технологиялар, концепцияси, шахсга йўналтирилган дарс технологиялари кабилар хориж ва республикамиз олимлари Н.А.Алексеев, Э.Ф.Зеер, Е.В.Бондаревская, И.С.Якиманская,